

ШАҲАР КЎЧАЛАРИДАГИ КЕСИШМАЛАРНИ ТИРБАНДЛИГИНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШ  
УСУЛЛАРИ

Хошимов Ифтихоржон Бурхонжон ўғли

Тошкент давлат транспорт университети асистенти

**Калит сўзлар:** тирбандлик, транспорт оқимининг зичлиги, ўтказиш қобилияти, юкланганлик даражаси, чорраҳа, полоса, юкланиш коеффициенти.

Ўзбекистон Республикасида транспорт воситаларининг кўпайиши йўл тармоғида ва айниқса, йирик шаҳарларда, асосий кўчаларнинг харакат жадаллиги ошишига олиб келади. Натижада магистрал кўчаларда тезликнинг пасайишига, автомобиллардан чиқаётган чиқинди газлар билан ҳавонинг ифлосланишига ва йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига олиб келади. Бу эса шаҳар кўчаларидағи кесишиналарни тирбандлигини бартараф қилиш усуllibарини ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири эканлигини билдиради.

Шахар кўчаларининг тирбандлигини бартараф қилиш кўп давлатларда ҳал қилиниши керак бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хоанг Қуок техника фанлари номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида [1] қўйидаги ишлар бажарган: тўрт полосали кўчалар бўйлаб транспорт оқимининг ҳолати баҳоланган; ўтказа олиш қобилиятини ҳисоблашнинг амалий усуllibарни ишлаб чиқилган; транспорт ва транспорт хавфсизлигини ошириш мақсадида улар устида ҳаракатни ташкил етишни такомиллаштириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқган.

Левашев А.Г. ва Михайлов А.Ю. ишларида [2] йўлнинг ўтказа олиш қобилиятини аниқлаш, светофор тузилиш цикли, тартибга солинган кесишиналарда тирбандликни ўлчаш усули, тартибга солинган кесишиналарни лойихалашда ахборот технологиялардан фойдаланиш ишлари келтириб ўтилган.

Мартяхин Д.С. диссертациясида [3] кесишиш зонасида автомобиллар орасидаги интервалларнинг тақсимланиши, чегаравий интерваллар ва навбатдан чиқиш интерваллари тақсимланиши, транспорт кесишиналарида ҳаракат тезликларининг тақсимланиши, йўл шароитлари ва оқим таркибининг транспорт кесишимаси зонасида ҳаракатланиш режимларига таъсири ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўлларини тирбандлигини бартараф қилиш, ўтказа олиш қобилиятини ошириш бўйича ўзбек олимлари адабиётлар ишлаб чиқишиган. К.Х. Азизов, А.С Ахмедов, И.С. Садиковларнинг адабиётларида транспорт оқимининг зичлиги, йўлнинг ўтказиш қобилияти ва юкланганлик даражаси кўрсаткичларини баҳолаш, чорраҳларда хавфсиз ҳаракатни тартибга солишнинг амаллий тадбирлари, режадаги кичик радиусли эгриликларда хавфсиз ҳаракатни тартибга солишнинг амаллий тадбирлари, йўлнинг ўтказиш қобилиятини баҳолаш


усуллари, кўп полосали автомобил йўлларининг ўтказа олиш қобилиятини, ўтказа олиш қобилиятини чизиқли графиги ва юкланиш коеффициентини топиш келтириб ўтилган. [4, 6].

“Шаҳар кўчалари кесишмаларида светофор обектларининг ишлаш циклини оптималлаштириш”[7] ва “Optimization Traffic Light Cycle at T-Junctions”[8] номли мақолаларда ҳам тирбандликни бартараф қилиш бўйича изланишлар олиб борилган.

Адабиётлар тахлини натижасида шаҳар кўчалари кесишмаларининг ўтказиш қобилиятини ошириш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги аниқланди.

Кўп кузатишлар натижасида қўйидаги обектларда тирбантлик бўлаётганлиги визуал кўриш орқали аниқланди: Мирзо Улуғбек - Шахриобод -Шукур Бурхонов кўчалари кесишмаси, Мирзо Турсунзода - Мехригиё кўчалари кесишмаси ва Мехригиё - Янги Сергели кўчалари туташмаси.


Ушбу обектларни харакат жадаллиги, ўтказа олиш қобилияти, юкланганлик даражаларини ва светофор цикларини ўрганиб, қайси йўналиш бўйича тирбандлик бўлаётганлигини аниқлаб, қўйидаги тавсияларини бериш мумкин:



1-расм. Автомобил йўллари кесишмасидан чапга бурилиш усули

- Автомобил йўллари кесишмасидаги чапга бурилишни бартараф этиш усули(1-расм). Яъни чапга буриладиган автомобиллар оқими тўғрига йўналтирилади, йўлнинг малум бир масофасидан қайрилиб олишга рухсат берилади ва ўнгга бурилишда пиёдаларга йўл бериб, доимий ҳаракатланишга рухсат бериш тавсия қилинади.

- Автомобил йўллари кесишмаларида пиёдалар тўхташи учун ажратиб турадиган кенг чизиқ мавжуд бўлганда 3 тактли тартибга солиш. Пиёдалар тўхтаб туриши учун етарлича кенглиқда майдончалар мавжудлигини ҳисобга олиб, 2-расимда кўрсатилган такт бўйича светофор цикларини ишлаб чиқиш тавсия қилинади. Бунинг натижасида пиёдаларнинг йўлни кесиб ўтиш вақтини қисқартириб, автомобиллар ҳаракатланиши учун яшил сигнал вақтларини кўпайтириш имконини беради.



2-расм - Автомобил йўллари кесишмаларида пиёдалар тўхташи учун ажратиб турадиган кенг чизиқ мавжуд бўлганда 3 тактли тартибга солиш.

- Ётиқ йўл белги чизиқлари орқали ўтказиш қобилятини оширилиши(3-расм). Автомобиллар хавфсиз ва қулай ҳаракатланишлари учун ётиқ йўл белги чизиқларини чизиш тавсия қилинади.



3-расм. Ётиқ йўл белги чизиқари орқали ўтказиш қобилятини оширилиши.

- Ўнгга бурилиш полосаларининг мавжудлиги(4-расм). Автомобиллар оқими кўп бўлган йўналишнинг полосалари сонини кўпайтириш орқали ва ўнгга бурилишда ҳавфсизлик оролчаларини лойиҳалаб, ўнгга бурилиш полосаларини қуриш орқали ўтказа олиш қобилияти оширилади.



4-расм. Харакат жадаллиги юқори бўлган йўналишга қўшимча полоса ажратиш ва ўнгга бурилиш полосаларини қуриш.

Агар юқорида ишлаб чиқилган тавсиялар самара бермаса, у ҳолда, ушбу кесишиналарни турли сатҳда лойиҳалаш тавсия қилинади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. «Расчёт пропускной способности при проектировании пересечений со светофорным регулированием в условиях Вьетнама», тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 05.23.11, кандидат технических наук Хоанг Куок
2. Левашев А.Г. Михайлов А.Ю. Головных И.М. Проектирование регулируемых пересечений: Учеб. пособие – Иркутск: Изд-во ИрГТУ, 2007.
3. Мартягин Д.С. «Повышение пропускной способности при проектировании съездов городских транспортных развязок» , Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата технических наук. Москва 2008.
4. МШН 25-05 «Автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар» Тошкент 2005 й
5. К.Х.Азизов. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. -Т., «Fan va texnologiya», Тошкент – 2009.
6. И.С.Садиков, В.В.Сильянов, Л.Г.Биннатов, Я.Э.Варна, В.М.Еремин, Р.С.Картанбаев, Б.К.Каюмов, Е.М.Лобанов, С.С.Петросян, В.И.Пуркин, «Руководство по оценке пропускной способности автомобильных дорог», утверждено Министерством автомобильных дорог РСФСР (протокол N 29 от 24.08.81).
7. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=LfBU1RgAAAAJ&citation\\_for\\_view=LfBU1RgAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=LfBU1RgAAAAJ&citation_for_view=LfBU1RgAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)
8. <http://solidstatetechnology.us/index.php/JSST>